

Етказиб берувчига тарбиятка оғарылган тарбият

Ичимлик суви ва канализация тармоги хўжалиги (ИСКТХ) корхонаси ҳамда "Истемолчи" ўртасида шартнома мавжуд бўлган ҳолатдагина Истемолчиларга ичимлик сувини етказиб бериши ва оқава сувларни чиқариш амалга оширилади.

0000410 36,00,30,000 -00001

Тариф киймати:
Сув 1 м³ 400 (+НДС15%+50сўм) сўм
Оқава 1 м³ 920 (+НДС15%+50сўм) сўм

32490

-сонли шартнома

Истемолчиларга ичимлик ва оқава суви хизматларини кўрсатиш учун

Тошкент ш.

«10» 01 2022 й.

Ушбу шартнома МЧЖ "Мусаффо Оби Хаёт", кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи

Пурлатков У.Р

(Ф.И.Ш.)

шахсида, бир томондан ва кейнги ўринларда "Истемолчи" деб юритилувчи Куземурод Ташбаев
асосида иш олиб борувчи директор Фидаймурод А.А. (Ф.И.Ш., лавозими)

иккинчи томондан, куйидагилар ҳакида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиши ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари ва II гуруҳ истемолчилари учун сув етказиши 27.000.000. нарх бўйича 15129.68300 м³ни:

1м³ сув учун 855,00 сўм (+ККС 15%), + сўм (махсус устами ҳақ)ни ташкил қилмоқда

1м³ оқава суюқлик учун 533,00 сўм (+ККС 15%) + сўм (махсус устами ҳақ)

Шу тарика шартноманинг умумий киймати 21.000.000.000 сўмни ташкил килди.(сумма ёзув билан)

Шу жумладан, бюджет маблағларидан 21.000.000.000 сўм, бюджетдан ташкири маблағларидан

сўм бюджетдан ташкири маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

Бюджет ташкилотлари II гуруҳ истемолчилари Қоидаларда белгиланган тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Фазначилиги орқали сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истемолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда баркарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф кийматида (ККС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-майший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтиради.

1.3. «Истемолчи» ўрнатилган муддатлар ичida "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вактида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади ва сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ўз ходимидан маъсул шахс белгиланади

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли карори билан тасдиқланган "Истемолчиларга сув таъминоти ва оқава сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари"га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади), ва Тошкент вилояти хокимнинг 2019 йил 13 марта № 200 -сонли карорига, унга мувофиқ тарифга, 1 м³ сув учун ва канализация хизматларига ҳам 1 м³ 50 сўм маҳсус устами ҳақ жорий этилган ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериши ва оқава сув чиқариши тизимиға уланиши учун руҳсат этувчи хужжатларга риоя килиши мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.5. «Истемолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидаги барча объектларининг (филиал ва суб-истемолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва шаҳар сув тизимиға уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришининг микдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр нусхасини тақдим килди, "Таъминотчи"ни ўз вактида сув ўтказиш-оқава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳакида хабардор килади.

II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик сув билан экинларни сугориш, ховлилар, ўйлакчаларига ўрнатилган вақтдан ташкири сув сепиш, ҳамда, ичимлик сувидан автомашиналарни юшиб учун фойдаланиш катъян ман этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимиляридаги ичимлик суви истемолчи (суб-истемолчи)ларнинг хўжалик-истемол ва коммунал-майший эҳтиёжлари, ёнғинларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

"Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истемолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимиляридан етказиб берилади.

2.3. Асосий истемолчининг тармокларидан сув олиб, оқава сувларини "Истемолчининг" канализацион тармоқларига ўтвучи суб-истемолчилар сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш шартномасини "Истемолчи" билан тасдиқланган "Қоидаларга" мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агнетлиги томонидан текширилган ва тамғаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоги сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамғаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасини ечиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 20 августдаги № -698 сонли карорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истемолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш курилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истемоли ва минимал сув истемолига текширилади ва "Истемолчи" билан келишилади. Ҳисоблаш курилмаси учун ўрнатилган минимал истемол микдоридан кам микдорда сув истемол килинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармогини кайтадан курилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмагандан, ҳисоблаш курилмасининг кўрсаткичлари қабул килинмайди Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш курилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш курилмаларини алмаштириш, янги суб-истемолчиларининг уланиши Истемолчи томонидан факат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Истемолчининг" сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи хужжатларни илова килган ҳолда берилади."Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Истемолчи" буортмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрйи хужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Курилган уламаларнинг ишга туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истемолчи" ва курилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият чегараси (сув ва оқава тизими, курилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истемолчилар орасида, хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида куйидагилардан иборат:

а) сув истемоли учун узатиш тармогининг киритиш курилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш курилмасин ишга тушириш истемолчининг ички сув узатиш тизимиning бир қисмидир;

б) оқава тизими учун магистрал оқава тизимиға уланиши нуктасидаги сув чиқариш кудуғи бўлиб, у "Истемолчи"нинг ички оқава тизимиning бир қисмидир. Агар чиқариш оқава кудуғи магистрал оқава тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган кудук сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармогининг эксплуатацияси эса "Истемолчи"нинг кучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

III. Тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг хуқуқлари:

а) “Таъминотчи”дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишиниёки худуддаги техник имкониятидан келиб чиқиб туман ҳокимияти томонидан тасдикланган КФИ ва МФИ кенгашлари билан ёзма келишилган жадвал асосида етказиб берилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига хавф туғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб килиш;

б) “Истеъмолчи” хисобидан хисоблаш қурилмасини ўрнатиш.

в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармокларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун “Таъминотчи”дан конунчилликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб килиш;

г) “Таъминотчи”ни шартномани бекор килиш тўғрисида, унинг бекор килинишидан камида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор килиш;

д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, карзларнинг йўклиги ҳакидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили орқали) бепул олиш;

е) “Таъминотчи”дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳакидаги маълумотларни бепул олиш;

ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётгандиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чоратабирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдикланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аникланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вакт) учун кайта хисоб-китоб амалга оширилишини талаб килиш;

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзининг худудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқава тармоклари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда қўрекланишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб колишига йўл қўймаслик, кудук копкокларини қор ва муздан тозалаш, “Таъминотчи” томонидан ўрнатилган тамғаларнинг бутлигини назорат килиш, кудуклардан юза оқаваси мавжудлигини таъминлаш, ёнғинга карши гидрантларга ўтиш йўлларини бекитмаслик, кўрсатилган ёнғинга қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишланини назорат килиш;

в) “Истеъмолчи” худудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, оқава тармоклари ва қурилмаларнинг устига турли буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қувури, оқава тармоклари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилмаслигини, шу жумладан, ташки (кўчава квартал ичидаги) сув қувури, оқаватармоклари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилишига йўл қўймаслик.

г) коммунал сувкувури, оқава тармоклари ва қурилмаларининг транзит нуктларида ҳар қандай шикастланиши, бузилишлар ҳакида зудлик билан “Таъминотчи”ни хабардор килиш;

д) сувни хисобга олиш приборларида яққол қўриниб турган носозликлар, шунингдек тамғани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлигидаги холат аникланганда ҳамда хисобга олинмаган ёнғинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳакида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоклари (факс, электрон почта) орқали “Таъминотчи”га хабар бериш;

е) “Таъминотчи” билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя килиш, ҳаройнинг 20 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аник ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни “Таъминотчига” жорий очйнинг 25 санасидан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим килиш ва тўловни амалга ошириш;

ё) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф килинишига ва оқава сувларининг меъёрдан ортиқ чиқарилишига йўл қўймаслик;

ж) “Таъминотчи”ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқава ҳўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳакида хабардор килиш;

и) “Таъминотчи”га тегишли бўлган ёки унинг худудида жойлашган сув ва оқава тармоклари, курима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;

й) ишлаб чиқариш оқава сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини м ёйдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;

к) оқава тармоги туширилувчи сувларининг сифатининг мониторингини таъминлаш;

л) “Истеъмолчи” худудида жойлашган сув ўлчаш тармоги, коммунал сув ўтказиш ва оқава тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарлишига бегона шахсларни қўймаслик;

м) жамоат сув ва канализация тизимларини обьектларига шикаст зарап етказган “Истеъмолчи” дарҳол “Таъминотчи”га хабар бериши ва етказилган зарапни коплаш учун “Таъминотчи” техник назорати остида ўзи етказилган шикастланиши бартараф этиши ва беҳуда сарф килинган сув нархини тўлаши шарт.

3.3. Таъминотчининг хуқуқлари:

а) “Таъминотчи” куйидаги ҳолларда, истеъмолчини 5 кун аввал хабардор килган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлиқ ёки кисман тўхтатиш ҳуқукига эга:

б) “Истеъмолчи” худудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқава тармоклари, мослама ва қурилмаларнинг техник ҳолати қоникарсиз ҳолатда бўлса ва “Истеъмолчи” техник фойдаланиш қоидаларини бузиш натижаларини “Таъминотчи” вакиллари талабига кўра бартараф этамаса;

в) “Таъминотчи”нинг вакили истеъмолчи худудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқава тармоклари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамға ўрнатишга ва бошка ишларда “Истеъмолчи” томонидан асоссиз ҳалақт берилган тақдирда;

г) “Таъминотчи” томонидан режали олдинни олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқава тармокларидан ишлар бажарлишида, “Истеъмолчи” уларга уланган бўлса, ва янги “Истеъмолчи”ларни улаш учун ишларни ўтказиша;

д) “Истеъмолчи”нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруfидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аникланганда;

е) “Истеъмолчи” ўрнатилган муддатларда тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширганда;

ё) “Таъминотчи”нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг “Истеъмолчи” тасарруfida бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини бергандা;

ж) “Истеъмолчи”лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўrсатиш шартларига риоя килинмаганда;

з) энергия таъминоти тўхтатилганда;

и) табиий оғатларда;

й) аварияларда;

к) ёнгин чиққан ерларга сув етказиш ҳажмини ошириш зарурияти туғилгандা.

3.4. “Таъминотчи”нинг мажбуриятлари:

а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;

б) сув етказилишини узлуксиз таъминлашёки худуддаги техник имкониятидан келиб чиқиб туман ҳокимияти томонидан тасдикланган КФИ ва МФИ кенгашлари билан ёзма келишилган жадвал асосида етказиб берилишини;

в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоклари, истеъмол обьектлари ва қурилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармокларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат қилиши амалга ошириш ва уларни тўғри ишланиши ташкида амалий ёрдам кўrсатиш; бюджет билан биргаликда “Истеъмолчи”лар сувидан оқилона фойдаланиши аниқлаш, сувни

етказиб бериш ва истеммол килиши катый назорат килиш ва хисобга олиш, саноатга мувофиликкни мунтазам равишида назорат килиш ва уларга тенглештирилган сув истеммол килиш чекловларига риоя килиши назорат килиш;

г) "Истеммолчи"ларга индивидуал хисоблаш курилмаларини ўз хисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) "Истеммолчи"ларга индивидуал хисоблаш курилмаснинг яхши ишлайтганинги текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамгаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган холда) бир ойда кўпи билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) "Истеммолчи"га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган холларида, жарима яъни пена тўловларини амалга ошириш;

ж) сув таъминоти ва истеммолига оид меъёрий-хукукий ва бошқа хужжатларнинг кабул килингандиги хақида "Истеммолчи"ларни хабардор килиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат хақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот берниш;

з) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг холати, карзларнинг йўклиги хақидаги маълумотлар ва маълумотномани "Истеммолчи"га бепул берниш;

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармаслика ёки лозим даражада бажарилмаган холларда келиб чиккан зарарни, "Истеммолчи" эса етказилган хақиий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

4.2. Истеммолчи қўйидагилар учун жавобгардир:

а) сув хисоблаш курилмасидаги тамғалар, айланиш чизиги жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узитиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг худудида ва тасаруфида бўлган тамғаланган хисоблаш курилмаларининг бутунлиги ва сакланиши учун;

б) сув тармокларига ўз бошимча уланиб олиш, совук сувни хисобга олиш курилмаларининг касдан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув хисоблаш курилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган холда ўзгартириш холатлари учун;

в) конунчиликда ўрнатилган бошқа холларда.

г) ўзбошимчалик билан курилган иншоатлар сабабидан, тармоклардаги авариялар бўлган холатларда;

д) коммунал дренаж тизими мавжуд бўлса "Истеммолчи" худудида жойлашган оқава тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл кўйаслик. Ушбу коидабузарлик аниқланганда "Таъминотчи" ходими ўрнатилган тартибида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истеммолчи"нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат киласди.

4.3 "Таъминотчи" қўйдаги холларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-хукукий хужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва конунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа холларда;

б) "Истеммолчи"ларга сув таъминотига уланиш ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вактида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) "Истеммолчи"нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарап, маънавий зарап учун конунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва юқлатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) конунчиликда ўрнатилган бошқа холларда.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун хисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (кабул килинган) сувнинг хисоби хисоблаш курилмаси мавжуд бўлганда, хисоблаш курилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича КҚСни хисобга олган холда амалга оширилади.

5.2. Оқава тизимига келиб тушувчи оқава сувнинг миқдори, шахар сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдорига тенг. Марказлашган холда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган холларда, истеммол килинувчи совук сув миқдорига 2.0 коэффициенти кўлланилади. "Истеммолчи"нинг ўзида сув таъминотининг курилмалари мавжуд бўлса, оқава сувларнинг миқдори ушбу сув курилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган хисоблаш курилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истеммолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеммолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик карзларини узиб, бухақда Бюро билан далолатнома имзолаши шарт. Истеммолчи чиқиб кетгач, сувни хисобга олиш асбоби, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор карздорлик учун жавобгарлик объектининг янги эгаси зиммасига юкланди.

6.2. "Истеммолчи"нинг сув узатиш-оқава хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан "Истеммолчи"нинг хати келиб тушган кундан бошлаб хисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул килинган ичимлик суви хажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари хисобидан қўйдаги формула асосида хисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: M – 0,60та гент бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти;

F – суюклик оқиб ўтадиган қувор ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) m^2 ;

g – 9,81 m/s^2 га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вакт- 24 соат, секундларда;

Кўйидаги холатларда:

6.3.1. "Истеммолчи"да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган холатларда (ёки носоз холатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилгандан, автомашиналар ювилганда;

6.3.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиккан, синган, бузилган холатда, сарфланган сув хажми ушбу шартнома 6 қисмининг бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгти тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунгача хисобланади;

Сувни хисобга олиш асбоби истеммолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч хисоб-китоб ойидаги ўртacha сарф бўйича аниқланади. Хисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп кўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни хисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори II гурух истеммолчилари учун ушбу Қоиданинг 87-«б»банди бўйича хисоб-китоб килинади;

6.3.5. "Истеммолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув истроф бўлиши холатлари аниқланган холатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алиштириш тўғрисидаги талабномаси кондирилмаган, бажарилмаган холатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг хисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя қопламига руҳсатсиз тегилиши натижасида, ичимлик сув соғ сарфини аниқлаш имконияти чегаралганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқава сув коммунал тизимиларига (жумладан ёнғиндан сакланиши гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган холатлар аниқланганда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи"га етказилган зарапни хисоблаш учун асос бўлиб хизмат киласди. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнгти тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янгисув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга қадар хисобга олинади;

-ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар “Таъминотчи” балансдаги тармокларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тутагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва куришни бошлиш учун) лойиха муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, “Таъминотчи” томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос бўлади.

6.6 “Истъемолчи” коммунал сув таъминоти ва оқава сувни чиқарип юбориш тармокларига уланиш санаси ҳакидаги хужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда “Таъминотчи” томонидан, хоким карори ва кадастр хужжатлари ва шу кабилар асосида, хужжат билан тасдикланган уланиш санаси бўйича хисоб-китоб килишга ҳаклидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқава сув учун тўловлар, “Таъминотчи” томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали оширилади. Бу тўловлар “Истъемолчи” томонидан З кунлик муддат ичида акцептсиз тартибида амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, “Таъминотчи” кечикирилган тўловнинг хар бир куни учун 0.4 % пеня ёзди ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.8. “Истъемолчи” хисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўйлимларининг кирим кассаси орқали, хисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг хар бир даври учун, аввали ой тўловининг 100 % миқдорида олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой хисобига кўшилади. Агар “Истъемолчи” икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширилсанаси, “Таъминотчи” хеч қандай огоҳлантиришлариз ичимлик сувини етказиб беринши ёки оқава сувларни чиқарип юборини ундирамагунга қадар тўхтатиб кўйиш хукуқига эга. Бундай ҳолларда ёнғиндан сакланнива санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ “Истъемолчи” зимиасига юқлатиласди. Сув таъминоти ва сув чиқарип тизимидан илгари узиб кўйилган ҳолларда қайта улашаща II гуруҳ истъемолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (үн) баробари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

Канализация тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва кор сувлари оқизилаётган ишлаб чиқарип оқава сувларини “Истъемолчи” лар томонидан ташлаш коммунал канализация тармокларига нормативдан ортичка оқизилганлиги учун “Истъемолчи”ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффицент миқдор тартибида хисобланади.

6.10. Хисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри хисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида “Истъемолчи” га ёзиладиган эътирознома тўлов хужжати олингандан кейин 5 кун муддатда “Таъминотчи”га тақдим этилиши керак. Эътирознома “Истъемолчи”ни тўлов хужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиши тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиқкан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси Конунчилигига мувофиқ Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиқкан тақдирда, Конунчиликда белгиланган тартибида ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиди бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сель, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиди бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равищда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равищда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўқсинглик килса, томонлардан биро шартномани бекор қилиш хукуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиши муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома газначилик бўйларнида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 202~~2~~ йилнинг 31 декабригача амал қилади.

“ТАЪМИНОТЧИ”

МЧЖ «Мусаффо Оби Ҳаёт»

Манзил: Тошкент шаҳар

Богишинам кўчаси 151 уй

АКИБ Ипотека Банк Юнусобод ф-ли

ИНН 300472766 ОҚЭД 36000

Телефон: 71-262-75-18, 95-170-97-42

Кибрай туман х/р:


22638000504620424511

Тошкент туман х/р:

2263800004620424536

Зангигота туман х/р:

22638000904620424537



“ИСТЕЙМОЛЧИ”

КЛИНИКА ТАШ ПЛМ

УЛ. БОГИШАМОЛ 223 ТЕЛ: (71) 2602840

Р/С 23 402000300 10000 1010 МФО: 00014

ИНН 202136639, 201122919 ОҚЭД: 86100

РКЦ ГУ ЦЕНТР БАНК

Л/С:

100010860162667073101084001



Юридик хўриси:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлиқ кодекси ва “Хужжат юритувчи субъектларнинг шартномавий-хукукий асоси тўғрисида”ти Конун талабларига мувофиқ тузилган

Хукукшунос

« » 202~~2~~ й.